

---

## СЎҒД ВА БАТКЕН ВИЛОЯТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧКЎПРИҚДАГИ “МЕҲРИГИЁ”НИНГ ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

Кеча Фарғонада бўлиб ўтган “Чегараолди ҳудудлар интеграциялашуви – ривожланиш гарови” мавзусидаги халқаро бизнес-форумда иштирок этган Қирғизистоннинг Баткен ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари раҳбарлари ҳамда ишбилармонлари бугун вилоятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти билан танишдилар.

Учкўприк туманидаги шифобахш ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган “Меҳригиё” кичик корхонасида меҳмонлар тропик мевалар ва ўсимликлар етиштирилаётган иссиқхоналар ва плантацияларни кўздан кечирдилар. Папая, зайтун, расторопша, киви, лаванда, банан каби турли ўсимликлар ҳамда меваларни маҳаллийлаштириш, улардан фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини кузатишди.

Корхонада доривор ўсимликларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш асосида 100 дан зиёд шифобахш чой, шарбат ва асалли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари МДХ таркибига кирувчи давлатларга, жумладан, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонга ўтган йилда қарийб 700 минг долларлик экспорт қилинган.

Қўшни давлатлар делегациялари аъзолари тумандаги тожик ва қирғиз қишлоқларида яшовчи аҳоли вакиллари билан учрашиб, самимий мулоқот қилишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-04-23 22:12:55